

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ” КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳукукида
УДК:657.5:658(575.1)

Самиев Юсуф Хасанович

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҚАЙТА
ИШЛАШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН МАТЕРИАЛЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5А 230901 - «Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)»
мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: проф. Холбеков Р.О.


Тошкент-2019

Ушбу магистрлик диссертациясида хўжалик юритувчи субъектларнинг балансдан ташқари маблағларининг бир тури бўлган, қайта ишлашга қабул қилинган материаллар ва уларнинг ҳисобини ривожлантириш масалалари кўриб ўтилиб, унда балансдан ташқари маблағлар таркиби ҳамда уларнинг ҳисобининг мазмун ва моҳияти борасида фикрлар билдирилган. Шунингдек, балансдан ташқари маблағлар тўғрисидаги тушунчалар ва уларнинг ҳисобини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

This master's dissertation discussed about issues of development and balance funds of economic entities and their account, the balance of funds on the essence of the structure and content of their accounts and statements. In addition, the balance of the funds for the development of concepts and their account has been developed based on scientific advice and were given recommendations for it.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтди. 16- сонли баённома « » май 2019 йил.

Илмий раҳбар: Холбеков Р.О.




01.07.2019

ИМЗО

сана

Магистрант: Самиев Ю.



01.07.2019

ИМЗО

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
мудирини проф. Холбеков Р.О.


“ 02 ” июль 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “03” июль соат 14-00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

Мундарижа:

Кириш.....	4
I-Боб. Иқтисодиётнинг эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг зарурий шартлиги ва ташкилий асослари.....	9
1.1. Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб тизими ва иқтисодиётни модернизация қилишда тутган ўрни.....	9
1.2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожланиш босқичлари.....	20
1.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари ва вазифалари.....	26
1-боб бўйича хулоса.....	36
II-боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг қайта ишлашга қабул қилинган материаллари ва уларнинг ҳисобини ташкил қилиниши..	38
2.1. Балансдан ташқари маблағлар ва уларнинг ҳисобини ташкил қилиш асослари.....	38
2.2. Қайта ишлашга қабул қилинган материаллари ҳисобини ташкил этилиши.....	42
2-боб бўйича хулоса.....	49
III-боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг қайта ишлашга қабул қилинган материаллари ҳисобини такомиллаштириш масалалари.....	51
3.1. Қайта ишлашга қабул қилинган материаллари ҳисобини такомиллаштириш асослари.....	51
3.2. Акционерлик жамиятлари учун бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро стандартларига яқинлаштириш муаммолари.....	59
3-боб бўйича хулоса.....	64
ХУЛОСА.....	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.

“2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишида” кўрсатиб ўтилганидек, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш муҳим масалалардан биридир.¹

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни, асосан, бухгалтерия тақдим этади. Барча хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисоботларни тузишлари, бу маълумотларни ички ва ташқи истеъмолчиларга тақдим қилишлари шарт.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари, шунингдек, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари ҳам бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланган.²

Акциядорлик жамиятларда ҳам бухгалтерия ҳисоби тизимида маблағлар балансдаги ва балансдан ташқари маблағларга ажратилади. Балансдан ташқари маблағларнинг сақланиши ва бутлигига музкур корхона маъсулдир. Балансдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

² “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.